

**"ИНСОН - ЖАМИЯТ - ДАВЛАТ"  
КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАМОЙИЛИНИ АМАЛГА  
ОШИРИШ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА"**

**ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(20 июня, 2022, Ургенч)



**СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ  
МЕЖДУНАРОДНОЙ КОНФЕРЕНЦИИ  
«КОНСТИТУЦИОННЫЕ РЕФОРМЫ:  
РОЛЬ И СТАТУС ИНСТИТУТОВ  
ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА»**

(20 июня 2022, г.Ургенч)



**COLLECTION OF MATERIALS  
OF THE INTERNATIONAL CONFERENCE  
«IMPLEMENTATION OF THE CONSTITUTIONAL  
PRINCIPLE "HUMAN - SOCIETY - STATE":  
NATIONAL AND FOREIGN EXPERIENCE»**

(June 20, 2022, Urgench)

УЎК 342

КБК 67.400.1 (C21)

**“Инсон – жамият – давлат” конституциявий тамойилини амалга ошириш: миллий ва хорижий тажриба”.** Халқаро конференция материаллари, 2022 йил 20 июнь. – Урганч, 2022 йил – 194 б.

**Масъул мухаррир:**

А.Х. Саидов, академик, юридик  
фанлар доктори, профессор

**Таҳрир ҳайъати:**

ф.ф.д, катта илмий ходим М.Ш. Усмонов,  
ю.ф.д, катта илмий ходим М.Т. Турғунов,  
ю.ф.д, профессор М.А.Тиллабоев

**Тўплам тузувчилари:**

Х. Мурадов  
Н.Х. Сафаров  
Г.Р. Барноева

**Лойиха**

**координатори:**

З.Т. Джураева

Мазкур тўпламга 2022 йил 20 июнда бўлиб ўтган **“Инсон – жамият– давлат” конституциявий тамойилни амалга ошириш: миллий ва хорижий тажриба”** мавзусидаги халқаро конференциядаги маъруза ва тезислар материаллари кири-тилган.

Тўпламга маъруза ва тезислардан ташқари, конференция якунлари бўйича халқаро-хукукий хужжатлар ва миллий қонунчиликдан парчалар киритилган.

Тўплам кенг доирадаги амалиётчилар ва тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат ва хукуқ институти Илмий кенгашининг 2022 йил 31 августдаги 5-сон қарори билан нашрга тавсия этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги ОАҚ Раёстанинг 2022 йил 14 июнданги 318/1-сон қарори билан “Инсон – жамият – давлат” конституциявий тамойилини амалга ошириш: миллий ва хорижий тажриба” мавзудаги халқаро конференция материаллари тўпламида юридик, социология, тарих, педагогика, психология ва сиёсий фанлар йўналишида чоп этиладиган мақолалар (маърузалар тезислари бундан мустасно) диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган миллий ва хорижий илмий нашрларда чоп этилган илмий мақолаларга тенггластирилди.

Мазкур тўплам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг Барқарор ривожланиши марказига ажратилган субсидия маблағлари ҳисобига таъёрланди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат ва хукуқ институти ҳисобидан нашр этилди.

**ISBN 978-9943-8620-1-2**

© “Барқарор ривожланиши маркази” ННТ, 2022.

© Фанлар академиясининг Давлат ва хукуқ институти, 2022.

**«Реализация конституционного принципа «человек – общество – государство»: национальный и зарубежный опыт». Материалы международной конференции, 20 июня 2022 г. – Ургенч, 2022 г. – 194 с.**

**Ответственный редактор:**

А.Х. Саидов, академик, доктор юридических наук, профессор

**Редакционная коллегия:**

д.ф.н., старший научный сотрудник М.Ш.Усманов  
д.ю.н., старший научный сотрудник М.Т.Тургунов  
д.ю.н., профессор М.А.Тиллабаев

**Составители сборника:**

Х. Мурадов  
Н.Х. Сафаров  
Г.Р. Барноева

В данный сборник вошли материалы докладов и тезисов, прозвучавших на международной конференции **«Реализация конституционного принципа «человек – общество – государство»: национальный и зарубежный опыт»**, проведенной 20 июня 2022 г.

Помимо докладов и тезисов, в сборник вошли итоговый документ по итогам конференции, выдержки из международно-правовых документов и национального законодательства.

Сборник адресован широкому кругу практикующих специалистов и исследователей.

Рекомендован к печати Учёным советом Института государства и права в Академии наук Республики Узбекистан от 31 августа 2022 года №5.

На основании постановления Президиума ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан №318/1 от 14 июня 2022 года статьи, опубликованные в сборнике, приравниваются к научным статьям, рекомендованным в перечне национальных и международных научных изданий для публикаций основных научных результатов диссертаций на соискание ученой степени доктора философских наук (PhD) и доктора наук (DSc) по юриспруденции, истории, социологии, психологии и политологии.

*Данный сборник подготовлен Центром устойчивого развития за счет субсидий Общественного фонда поддержки некоммерческих организаций и других институтов гражданского общества при Олий Мажлисе Республики Узбекистан и издан за счет Института государства и права Академии наук Республики Узбекистан.*

**Implementation of the constitutional principle “Human - society - state”: national and foreign experience.** Materials of the international conference, June 20, 2022 - Urgench, 2022. – 194 p.

**Managing editor:** Akmal Saidov academician, doctor of law, professor

**Editorial council:** DSc, senior researcher M.Sh.Usmanov  
DSc, senior researcher M.T.Turgunov  
DSc, professor M.A.Tillabayev

**Compilers of the collection:** Kh. Muradov  
N.K.Safarov  
G.R.Barnoyeva

**Coordinator of the collection:** Z.T.Djurayeva

This collection includes materials from reports and theses made at the international conference “Implementation of the constitutional principle “Human - society - state”: national and foreign experience”, held on June 20, 2022 in Tashkent.

In addition to reports and abstracts, the collection includes the final document on the results of the conference, excerpts from international legal documents and national legislation.

The collection is addressed to a wide range of practitioners and researchers.

Recommended for printing by the Academic Council of the Institute of State and Law of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan dated August 31, 2022 №5.

Based on the resolution of the Presidium of the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 318/1 dated June 14, 2022, articles published in the collection are equated to scientific articles recommended in the list of national scientific publications for publishing the main scientific results of dissertations for the degree of Doctor of Philosophy ( PhD) and Doctor of Science (DSc) in Jurisprudence, History, Sociology, Psychology and Political Science.

*This collection was prepared by the Center for Sustainable Development with subsidies from the Public Fund for Support of Non-Commercial Organizations and Other Civil Society Institutions under the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan and published at the expense of the Institute of State and Law of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.*

## **МУНДАРИЖА**

### **1-БЎЛИМ. КИРИШ СЎЗЛАРИ**

<b>Даниел Кристиан Чобану.....</b>	<b>15</b>
<b>Миндаугас Качераускис .....</b>	<b>17</b>

### **1-СЕССИЯ. ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ: ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА**

<b>“Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, қадри-қимматини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ва конституциявий ҳуқуқ ривожининг замонавий тенденциялари: Франция тажрибаси”</b>	
<b>Жан-Антуан Дюпра – Европада ҳафғизлиларининг ташвиши институти эксперти (Франция).....</b>	<b>21</b>
<b>“Янги Ўзбекистонда инсон қадр-қиммати, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манбаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва уларни амалга ошириш жараёни”</b>	
<b>Мирзатилло Тиллабаев – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг биринчи ўринбосари, ю.ф.д. ....</b>	<b>27</b>
<b>“Халқаро ҳуқуқ ва инсон қадрини таъминлашнинг конституциявий кафолатлари”</b>	
<b>Пол Политис – АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси вақтингча- лик вакили .....</b>	<b>31</b>
<b>“Болалар ҳуқуқларининг конституциявий кафолатлари. Халқаро тажриба ва амалиёт”</b>	
<b>Мунир Мамедзаде – ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари.....</b>	<b>33</b>

### **2-СЕССИЯ. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТ: ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУЛARIНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ**

<b>“Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг конституциявий кафолатлари: Ўзбекистон ва хорижий давлатлар тажрибаси”</b>	
<b>Маъруфжон Усмонов – Барқарор ривожланиш маркази директори .....</b>	<b>38</b>
<b>“Конституциявий ҳуқуқ ва жамоатчилик назорати институтини мустаҳкамлаш”</b>	
<b>Ежи Шукальски – Польша табиий ва ижтимоий фанлар универ- ситети профессори (Польша) .....</b>	<b>45</b>

**3-СЕССИЯ. КОНСТИТУЦИЯВИИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УСТУВОР  
ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ  
“ФУҚАРОЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛИШГА ЙЎНАЛТИРИШ” ВА ИЖТИМОИЙ  
ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ**

“Давлат – халқ учун” гояси, шунингдек, ижтимоий ва хизмат кўрсатишга асосланган давлат концепциясини амалга ошириш бўйича Европа давлатларининг илгор тажрибаси”

**Альберто Туркстра – “Diplomatic World Institute” (Брюссель,  
Бельгия) таҳлилий маркази лойиҳалар бўйича менежери .....48**

**2-БЎЛИМ. ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ  
ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ НУТҚЛАРИ**

<b>Муроджон Тургунов.</b> Конституциямиз инсон хуқуқ ва эркинликларининг кафолати ва хуқуқий асосидир.....	53
<b>Абдуманнон Туляганов.</b> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – инсон хукуқларини таъминлашнинг хуқуқий кафолати .....	60
<b>Нодира Мустафаева.</b> Фуқаролар маданий ҳаётида ўрин эгаллаган муассаса: тарихга назар .....	66
<b>Шуҳрат Рузиназаров.</b> Янги Ўзбекистон Конституциясида жамиятнинг иқтисодий негизлари ракамли трансформациялашувининг истиқболлари. ....	72
<b>Миродил Баратов, Ҳусниддин Даминов.</b> Конституциявий ислоҳотлар жараённида фуқаролик хукуки субъектлари мақомини тақомиллаштириш масалалари: фермер хўжаликлари мисолида.....	85
<b>Карина Джавакова.</b> Во имя чести и достоинства человека .....	93
<b>Нигмонжон Азизов.</b> Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда конституциявий ислоҳотларнинг аҳамияти .....	96
<b>Ахрор Худойбердиев.</b> Конституция – миллӣ давлатчилигимизнинг бош қомуси .....	101
<b>Алимжан Матчанов.</b> Кибержиноятчиликка қарши курашда инсон хукукуларини таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конунлар устуворлиги. ....	105
<b>Бекзод Нариманов.</b> Фуқаролик жамиятининг шаклланишида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни .....	111
<b>Хушвакт Хайитов.</b> Конституциявий ислоҳотлар аввало инсон манфаатларига хизмат қиласи .....	115
<b>Равшан Назаров.</b> Конституционно-правовые основы этнической политики Республики Узбекистан .....	122
<b>Хайдарали Юнусов.</b> Европа Иттифоқида инсон ва унинг хукуклари қадрият сифатида.....	128

<b>Ярослав Квитков.</b> О необходимости конституционных реформ в Республике Узбекистан .....	136
<b>Алишер Боротов.</b> Конститутивий-хукукий маконда мулкнинг дахлсизлиги: хусусийлаштириш натижаларининг қайта кўриб чиқилмаслиги ва бекор қилинмаслиги .....	141
<b>Умиджон Сулаймонов, Нодиржон Киличев.</b> Конституциявий ислохотлар – адолатли жамиятни барпо этиш ва инсон қадрини юксалтириш сари.....	148
<b>Одил Бўриев.</b> Инсон қадри ва унинг ислом хукукшунослари таълимотида ривожлантирилиши .....	152
<b>Сардор Турсунбоев.</b> Конституция - инсон хукуклари ва эркинликларини ҳимоя килишнинг мустаҳкам пойdevоридир .....	156
<b>Ўткир Нурбоев.</b> Ўзбекистонда оила институтининг назарий-хукукий асослари.....	162
<b>Дилором Чориева.</b> Конституциявий ислохатларда маданият соҳасини такомиллашуви ва истиқболлари .....	166
<b>Бахромжон Ортиқов.</b> Ўзбекистонда тадбиркорликни хукукий асосларининг шаклланиши ва ривожланиши .....	171
<b>Шухрат Хўжамуратов .</b> Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини, тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш .....	175

### **Иловалар/Приложения/Annexes**

Халқаро конференция якуний хужжати .....	179
Итоговый документ международной конференции .....	184
Tashkent declaration of international conference	
Final document of the international conference .....	189

**Акмал Саидов,**  
Конституциявий комиссия раиси, академик

## **“ИНСОН – ЖАМИЯТ – ДАВЛАТ” КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАМОЙИЛИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

2022 ишт 20 июнь куни Урганч шаҳрида “Инсон – жамият – давлат” конституциявий тамойилини амалга ошириши: миллий ва хорижий тажрибаси мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ушибу форум Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириши ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни шаклантириши ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириши бўйича Конституциявий комиссия иш режасига биноан, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Барқарор ривожланиши маркази, Ўзбекистон Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти ва Хоразм вилояти ҳокимлиги томонидан Европа имтилоғининг Ўзбекитондаги делегацияси кўмагида ташкиллаштирилди. Унда дунёнинг **30 дан** ортиқ мамлакатлари вакиллари, **300дан** зиёд миллий эксперталар, Олий Мажлис сенаторлари ва депутатлари, академик ҳамжамият ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди.

Конференциянинг мақсади – инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуклари, эркинликлари ва конуний манфаатлари, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият эканлиги тамойили ҳамда “Давлат – инсон учун” ва “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халиқка хизмат қилади” деган эзгу ғояларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича миллий ва илгор хорижий тажрибани ўрганиш, мазкур тамойилларни конституциявий қонунчилик ва амалиётда мустаҳкамлаш борасида чукур асосланган таклифлар ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Президентимиз Ш.М. Мирзиёев бошчилигида 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Харакатлар стратегияси** ҳамда **Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси** доирасида мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ва шиддатли демократик ислоҳотларни ўзаро боғлаб, жипслаштириб турувчи ўзагини – айнан “Инсон қадри учун” ғояси, ҳар қандай шахснинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати, бошқа дахлсиз ҳуқуqlарини жойига қўйиш, улуғлаш ғояси ташкил этади.

Юргбошимизнинг "Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси" номли асарларида ушбу фояларни ҳаётга изчил татбиқ этиш орқали халқимизнинг орзуси, эзгу истаги, олий мақсади бўлган том маънодаги инсонпарвар ва адолатли, эркин ва демократик, обод ва фаровон, дунё мамлакатлари билан ҳар томонлама рақобатбардош мустақил давлат – Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Янги уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини шакллантиришнинг устувор йўналишлари, "йўл хариталари" белгилаб берилган.

Хозирда Янги Ўзбекистонимизда ижтимоий-иктисодий, сиёсий-хукукий ва маънавий-маърифий ҳаётдаги ижобий жараёнлар шиддат билан давом этмоқда. Бугун халқимиз, қолаверса, жаҳон ҳамжамияти юртимизда инсон қадри улуғланадиган ва қонун устуворлиги қарор топган демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти куриш борасида аниқ мақсад ва мэрраларга тадрижий равишда эришилаётганини эътироф этмоқда.

Мазкур асарда, шунингдек, халқимиз иродаси, орзу-умидлари ва хоҳиш-ихтиёрини инобатга олиб, конституциявий ислоҳотнинг тўққизга устувор йўналиши аниқланган. Ушбу ислоҳотнинг асосий ташаббускори, том маънода, – бу мамлакатимиз фуқаролари бўлса, унинг бош гоявий илҳомлантирувчиси, шубҳасиз, Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёевdir.

### **Халқ – Конституция ижодкори**

Бугун халқимиз, халқаро ҳамжамият "Янги Ўзбекистонга – янгилangan Конституция" лозимлигини эътироф этмоқда. Зоро, ҳар қандай ислоҳот кучли конституциявий-хукукий асосга таянсагина, қўзланган эзгу мақсадга ва улуғвор вазифаларга, самарали натижаларга эришади. Хукукий соҳа ривожи ислоҳотлар шиддатидан ортда қолса – бу жамият ва давлат инқизозига олиб келиши мумкинлигини жаҳон давлатлари тарихидан ҳам кўришимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда инсон қадри улуғланадиган Янги Ўзбекистон ғояси – бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олиб, уни ҳаётга татбиқ этиш умуммиллий ҳаракатга айланниб улгурди.

Энг муҳими, халқимизнинг дунёкараши, эртанги кунга, ислоҳотлар натижасига бўлган ишончи кучайди. Фуқароларимиз юртимиз ва атрофимиздаги воқеа-ходисаларнинг фаол иштирокчисига айланмоқдалар, уларнинг юртимиздаги шиддатли демократик ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси ортиб, юксалиб бормоқда. Конституциявий комиссия фаолияти, аҳолининг турли қатламлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, турли соҳаларнинг эксперлари, жойлардаги маҳаллалар аҳолиси билан учрашувларимиз бундан яққол далолат бермоқда.

Фуқаролар ислоҳотларни нафақат тўла қўллаб-куvvatlamоқда, балки Янги Ўзбекистонни бутун иймон-эътиқоди ва онгу шуури билан ўз кучи

ва иқтидорига таяниб барпо этаётган фаол ва жипслашган ижтимоий куч эканини намойиш этмоқда.

**Сўнгти йиллардаги ислохотлар Президентимизнинг “Халқ – Конун ижодкори” тоғасининг ҳаётийлиги ва замонамиз талабига қанчалик мослигини рўй-рост намоён қилди.**

Биргина мисол: бугунга қадар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш бўйича кенг жамоатчиликдан, жумладан, ўқитувчилар, тадбиркорлар, фермерлар, фуқаролик жамияти институтлари ва миллый-маданий марказлар, сиёсий партиялар вакиллари, маҳаллалар ахолисидан **30 мингдан** зиёд (17 июнга қадар) таклифлар келиб тушди ва мазкур жараён изчил давом этмоқда.

Халқимиз Конституциямиз ва қонунларимиз ўзгаришидан манбаатдор эканлигини намоён этмоқда. Ушбу таклифлар жамият ва давлат ҳаётийнинг барча ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-хукуқий, маънавий-маърифий ва бошқа соҳаларини қамраб олади. Улар Конституциявий комиссия томонидан мамлакатимизнинг ривожланиш қонунияти, “Янги Ўзбекистон таракқиёт стратегияси”да белгиланган мақсад ва вазифалар, замонавий конституционализмнинг ривожланиши борасидаги **иљгор хорижий ва халқаро тажрибани чуқур ўрганиш асосида қўриб чиқилмоқда**.

Бирор бир таклиф ва мулохаза назардан четда қолаётгани йўқ.

### **Конституциявий ислоҳот – инсон қадрини таъминлаш гарови**

Бугун халқимиз ва халқаро ҳамжамият “Янги Ўзбекистон” деганда **“Инсон қадри ва халқ манфаати ҳамма нарсадан устун”**, деган эзгу фоя, инсон хукуклари, эркинликлари ва қонуний манбаатларининг самарали ҳимояси амалий ишлар билан ўз тасдиғини топаётган, демократик ва адолатли қонунлар амал қилаётган, юксак маънавий-хукуқий маданиятга эга фуқаролар мамлакатини кўз олдига келтиради. **Зоро, халқаро хукуқда ҳам инсон хукуклари ва эркинлигини таъминлаш – инсон қадр-қимматини рўёбга чиқаришнинг хукуқий асоси эканлиги тан олинган.**

Бу борада фуқаролар ва ташкилотлар томонидан кўплаб аниқ ва аслланган таклифлар келиб тушмокда. Жумладан:

**Биринчидан**, инсоннинг асосий хукуқ ва эркинликлари ажралмас ва дахлсиз бўлиб, ҳар кимга туғилганидан тегишли эканлиги, Ўзбекистон фуқаросини мамлакатдан ташқарига чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга бериб юборилиши мумкин эмаслиги;

**иккинчидан**, ҳар бир инсон ўз шахсини эркин ривожлантириш ва уни амалга ошириш хукуқига эгалиги, ҳеч кимга қонунда белгиланмаган мажбуриятлар юкланиши мумкин эмаслиги;

**учинчидан**, ҳеч бир шахс ўзига, ўз турмуш ўртоғига ва яқин қарин дошларига карши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги ҳамда қийнокка

солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-кимматини камситувчи бошқа муносабат ва жазога тортилиши мумкин эмаслиги, шунингдек, гумон килинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбизслигини исботлашга мажбур эмаслиги, айлашга оид барча шубҳалар гумон килинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал килиниши лозимлиги;

**тўртингчидан**, мамлакатимизда мажбурий меҳнатга, жумладан, болалар, меҳнатига йўл қўйилмаслиги каби янги нормаларни Конституциямизга киритиш таклиф этилмоқда.

### **Конституциявий ислоҳот ва "ижтимоий давлат"**

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси мамлакатимиз тарихида сифат ва мазмун жиҳатдан янги тараққиёт даври бошланганидан далолат беради. Бу янги даврнинг энг муҳим ва устувор хусусиятлари, аввало, мамлакатимизда давлат ва бошқарув органлари, барча раҳбарлар бундан бўён ўз фаолиятини **"Инсон қадри учун"** деган эзгу тамоиил асосида олиб бориши, уларнинг барча куч ва имкониятлари адолатли жамият ва ижтимоий давлат куриш, ҳозирги ва келгуси авлодларнинг фаровон турмушини таъминлашга қаратилганида акс этади. Зеро, **"инсон қадри"** ва **"ижтимоий давлат"** тушунчаларини бир-биридан айри тасаввур килиб бўлмайди, улар бир-бирини тақозо этади ва ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, **ижтимоий давлат деганда**, кўз олдимизга, энг аввало, жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий ва бошка соҳаларини тартибга солиш, унда ижтимоий адолат ва ҳамжиҳатлик тамоиилларини ўрнатиш, ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган фаол сиёsat юритиш орқали инсон қадри ва унинг ривожланиши имкониятларини кенгайтирувчи, барча фуқаролар учун юкори ҳаёт ва турмуш даражаси, ижтимоий ҳимояни таъминлайдиган давлат келади.

Одатда, ижтимоий давлат аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларини кўллаб-қувватлаш, камбағаллик ва ишсизликни бартараф этиш, фуқароларнинг бандлиги ва даромади доимий ўсиб боришини таъминлаш, ёш тадбиркорлар ва аёллар тадбиркорлигига кўмаклашиш, таълим, соғлиқни сақлаш ва маънавий-маданий соҳаларнинг барқарор ривожланишига эришиш, ижтимоий суғурта таъминоти тизимини ривожлантириш, жамиятдаги кескин ижтимоий фарқланишга йўл қўймаслик ва ижтимоий тенгсизликни юмшатиш, имтиёзларни қайта кўриб чиқиши орқали барчага муносиб турмуш шароитларини яратиш каби вазифаларни бажаради. Шу маънода **ижтимоий давлат** фуқаролик жамияти институтлари ва давлат ташкилотлари мақсадларининг яқинлашиши ва уйғуллашишини назарда тутади.

Ижтимоий давлатга оид хорижий мамлакатларнинг (Германия, Россия, Япония, Испания, Италия, Бельгия, Дания, Швеция, Швейцария,

**рия, Франция, Португалия, Хитой, Хиндистон, Грузия ва бошқалар)** конституциявий тажрибасини ўрганиш уларда ушбу тушунчага оид қатор конституциявий принциплар ва нормалар мавжудлигини кўрсатади. Хусусан, ушбу мамлакатлар Конституциялари юкоридаги йўналишлардан ташқари, шунингдек:

**биринчидан**, ижтимоий адолат принципини ҳаётга татбиқ этиш, жамоатчилик назорати ва ижтимоий шериклик институтини ўрнатиш ва ривожлантириш;

**иккинчидан**, “кашшоқлик чегараси” ва ҳар қандай шахсга (*айниқса ногиронлини бор инсонлар, пенсионерлар, болалар ва бошақа ижтимоий ҳимояга муҳтожслар*) давлат томонидан тақдим этилиши мажбурий бўлган ҳамда инсон ҳаёти учун зарур минимал товарлар ва хизматлар тўпламини назарда тутувчи “истеъмол савати”ни ўрнатиш;

**учинчидан**, хусусий мулкнинг “ижтимоий жавобгарлиги”ни белгилаш каби масалаларнинг ҳам қонуний асосларини ривожлантиришни назарда тутади.

Халқимиз ва дунё ҳамжамияти бугун юртимиз нафақат ижтимоий, балки адолатли жамият сари илдам қадам ташлаётганини алоҳида эътироф этмоқда. Бунда фуқароларнинг ижтимоий хукуқларини таъминлашнинг ноёб тизими яратилгани, давлатнинг ижтимоий маъсулияти тобора ортаётгани, ижтимоий ҳимояга ва моддий ёрдамга муҳтож фуқароларимизнинг ҳеч бири назардан четда қолмаётгани айниқса пандемия даврида яна бир бор намоён бўлганига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу маънода кенг жамоатчилик **“Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат”** қоидасини Конституциямизда мустаҳкамлаш лозим, деб билмоқда ва ва бу борада ҳам кўплаб таклифлар келиб тушмоқда. Уларда Конституциямизга хусусан:

- ҳар бир шахс ишсизликда, ногиронликда ижтимоий таъминот олиш хукуқига эгалигини белгилаш, “энг кам истеъмол харажатлари” тушунчасини киритиш;
- давлат ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиши, давлат пенсияларини, нафақаларини ва ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларини белгилаш;
- давлат ва жамият етим ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни соғлом ва баркамол ривожланиши таъминлашини белгилаб қўйишга қаратилган нормаларни киритишни сўрашмоқда.

### **Конституциявий ислоҳот – миллий ўзликни англаш ва маънавий тараққиёт гарови**

Президентимизнинг **“Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”** асарида мамлакатимизнинг маънавий тараққиёти, янги маънавий маконни яратиш, маърифий ислоҳотлар ва баркамол инсон тарбияси борасидаги вазифалар аниқлаб берилган.

Жаҳон тажрибасига мурожаат қиласак, Конституция – бу нафақат хукукий ҳужжат, балки давлатнинг сиёсий, ижтимоий ва маънавий киёфасини, қадриятларини, ўзлигини кўрсатиб, аниклаб берувчи ва акс эттирувчи Асосий қонун эканлигига амин бўламиз.

**Шу маънода, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни инобатга олиб:**

**Биринчидан**, тарихий, маънавий ва маданий мерос давлат муҳофазасидадир, давлат ва жамият миллий қадриятлари ва ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолишини ҳимоя килиш, Ўзбекистон халқининг маданий мероснинг келгуси авлодларга безавол етказиш ҳакида ғамхўрлик килади – деган нормани киритиши;

**Иккинчидан**, давлат ва жамият болалар ҳамда ёшларда азалий миллий анъаналарга ва умуминсоний қадриятларга садоқат, буюк аждодларимизнинг бой маданий меросидан фахрланиш туйғусини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиши, болалар ҳамда ёшларни маънавий ва аҳлоқий тарбиялаш учун зарур шароитлар яратиши;

**Учинчидан**, никоҳ аёл ва эркакнинг ихтиёрий розилиги ва тенг хуқуқлилигига асосланишини алоҳида қайд этиш, оталикни ҳам давлат томонидан муҳофаза қилинишини алоҳида кўрсатиш каби нормаларни Асосий қонунимизда акс эттириш масаласини кўриб чиқиши таклиф этмоқдалар.

### **Конституциявий ислоҳот ва Учинчи Ренессанс пойдеворининг мустаҳкамланиши**

Халқимиз “Янги Ўзбекистонни юксак билим ва интеллектуал салоҳиятга эга инсонлар юрти, маърифий жамиятга айлантириш” гоясини мамлакатимизда Учинчи Ренессанс асосини яратишнинг зарур ва мажбурий шарти деб қарамоқда.

Шу маънода, жумладан:

- мамлакатимизда умумий ўрта таълимнинг мажбурийлиги ва бепуллиги ҳамда давлатга қарашли, хусусий ва бошқа шаклдаги таълим муассасалари ва ташкилотларини ривожлантириш учун давлат тенг шароитлар яратишни Асосий қонунда кафолатлаш;

- педагог ходимларнинг касбий фаолиятига аралашиб, таълим олувчиларнинг билимларини тўғри ва холис баҳолашга таъсир кўрсатишга, шунингдек, уларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришига тўқсینлик қилишга йўл кўйилмаслик;

- ҳар кимга илмий ва техникавий, бадиий изход эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш хукуки кафолатланишини Бош қомусда акс эттириш каби таклифлар келиб тушмоқда.

Умуман, Конституциявий комиссия ўз фаолиятини очиқлик ва ошқоралик тамоилига таянган ҳолда нафақат миллий академик ҳамжамият, фуқаролик жамияти институтлари, маҳаллалар аҳолиси ва фуқаролар

кенг қатламларини жалб этган ҳолда, балки хорижий ва халқаро тажрибани, улар экспертларининг фикрини чуқур ўрганиш асосида олиб бормокда.

Бўлажак халқаро форум доирасида ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф ва тавсияларни назарда тутувчи Урганч декларациясини қабул қилиш назарда тутилган.